

**МАХСУС МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК  
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ДАКТИЛ МУТОЛАА  
МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАСИ**

*Азимова Дилноза Шерзодовна  
Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақола махсус мактаб ўқувчиларининг китобхонлик компетенциясини шакллантиришни ташкил этишдаги муаммо батафсил ёритилган бўлиб унга кўра унга кўра мазкур компетенцияларнинг методларидан бири бўлган дактил мутолаа методи ҳақида бир нечта таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган. Жумладан дактил мутолаа методи техникалари ҳақида хам маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар :** Заиф эшитувчи, бадиий асар, эртак, мақоллар, матн, асар фояси, дактил мутолаа, дактилология, “Библиотерапия”, китоб, кутубхона.

Заиф эшитувчи болаларнинг тўлиқ ўқиши малакаси эшитувчи болаларга нисбатан узокроқ ва қийинроқ шаклланади. Бу уларнинг оғзаки нутқи ва эшитиш қобилиятига боғлиқдир. Фикрлаш тушунчасида эшитишда нуқсони бўлган болалар сўзлардан маъновий ва грамматик бирликларни ажратса олмаганликлари сабабли қийинчиликларга дуч келадилар.[4] Сўз бирикмалари маъноси яхши англаб етилмаганлиги сабабли улар баъзи факт ва тушунчаларни англаб етмайдилар, матн маъносини тўлиқ ўзлаштира олмайдилар. Умумий тарихий характерга эга бўлган матнларни эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг ўзлаштиришида уларнинг кўргазмали ҳиссиёти етишмаганлиги сабабли қийинчиликлар вужудга келади. Ўқиётган матнни англаб етмасликда матннинг жанри ва шакли таъсир қиласди. Эшитишда нуқсони бўлган болалар учун шеърий матнни ўзлаштириш, халқ оғзаки ижоди матнини ўзлаштириш қийинроқ. Масалан, халқ оғзаки ва бадиий асарлари, мақоллар, сеҳрли эртаклар, топишмоқларни эшитиб тушунишда нуқсони бўлган болаларда қийинчиликлар вужудга келади. Юқоридаги фактлар эшитишда нуқсони бўлган болалар ўқиган нарсаларини тўлиқ ўзлаштира олмаслигини келтириб чиқаради. Матннинг асосий мазмуни, қаҳрамонлар ва уларнинг характеристики, воқеалар тасвири, баён қилинган воқеалар эшитишда нуқсони бўлган болалар учун тушунарсиз бўлиб қолади. Улар ўқиган матнлари маъносини гапиришда ўзларининг ҳаётий руҳий тажрибаларига таянадилар. Ахлоқий мавҳум тушунчаларнинг шаклланмаганлиги уларнинг ахлоқий сўз кўникмаларининг камлигига хам кўриниб туради.

Чунончи, асар ғоясини идрок қилиш даражаси ўқилаётганларни тўлиқ ва чуқур англаб етиш, асарнинг барча сюжет чизикларини ажратиш, улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини аниқлаш, муаллифнинг бош қаҳрамонларга муносабатини тушуниш, асар қаҳрамонларини асосланган ҳолда тавсифлаш, асар ғоясини умумлашма тарзда ифодалаш кабилар билан характерланади[1];

Асарни қаҳрамон хулқ-авторининг мотивларини англаш даражасида идрок қилиш асарнинг марказий эпизодларини тушуниш, бироқ уларнинг мазмунини етарлича тўлиқ ва чуқур очиб бера олмаслик, сабаб-оқибат алоқадорликларини етарлича аниқлай олмаслик, умумлашмаларнинг қаҳрамонни баҳолаш даражасида экани билан тавсифланади[3];

Китоб мазмунининг воқеий томонини идрок қилиш даражаси учун улар ўртасидаги сабаб оқибат алоқадорликларини аниқламасдан алоҳида эпизодлар, ҳодисаларни батафсил санаш, ғоявий мазмунни қисман тушуниш, ўқилганларни баҳолаш ва умумлашма хуросаларнинг йўқлиги хос[2];

Китобни фрагментар идрок қилиш даражаси воқеаларни қайта тиклаш (яратиш) тарқоқлиги, асарнинг асосий ғоясини тўсиб қоладиган асосий бўлмаган деталларнинг устунлиги, ўқилганларни баҳолай олмаслик билан тавсифланади.

Бунда, эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг китобхонлик компетенцияларини шакллантиришда бир нечта методлар мавжуд бўлиб дактил мутолаа методи юқорида келтирилган холатларни бартараф этишда яхши самара беради.

**Дактил мутолаа методи.** Дактил ўқиши техникаси каби китобни дактил нутқда бошқа китобхонларга мутолаа қилиб беришни назарда тутади. Дактилология – қўл алифбоси орқали матнларни ўқиб тахлил қилишни назарда тутади. Ушбу метод дактил мутолаа тажрибасини ортишига сабаб бўлади. Сўзларни имо-ишора тилада қандай ифода этилиши билан дактил ўқилиши ҳақида фарқларни кўрсатиб беради. Бунда янги сўзларни қандай ифода этилиши ва қандай тўғри ёзилишини ўрганиш учун самарали методдир. Бунда маҳсус мактаб ўқувчиларининг танқидий фикрлаши, шунингдек мантиқий фикрлаши қобилиятини ривожлантиради. Матндан энг муҳим ва қизиқарли воқеаларни идрок этиши ошади.

Дактил мутолаа методи қўйидаги техникалар билан тавсифланади:

- Кутубхоначининг дактил нутқда тўғри ва равон ўқиши;
- Сўзларни, гапларни, матнни дактиллашни машқ қилиш;
- Ўқувчига дактил нутқда тез ва осон ўқишини шакллантириш ва ривожлантириш;
- Дактил мутолаадан сўнг тушунишни осонлаштириш учун ўқиганнни шархлаш;

➤ Китобхонларнинг дактил мутолаадан сўнг ўқилган мавзу бўйича таасуротлари билан ўзаро сухбат, фикр алмашиш;

Дактил мутолаа методи маҳсус мактаб ўқувчилари билан кутубхона ишининг хар қандай шаклида қўлланилади. Масалан ўқувчи абонимент бўлимида турганда индивидуал ўқиш яъни кутубхоначи китобдан парча ўқиб беради; эшитишда нуқсони бор ўқувчилар учун китоб кўргазмаларида иҳтиёрий китобни олиб дактил нутқда мутолаа қиласди, турли байрам тадбирларида, китобхонлик клубларида ва х.к.

Дактил мутолаа методи ахборот кутубхона ишининг бир шакли сифатида нафақат дактил нутқда ўқишни ўз ичига олади, балки мутолла қилинган асар ҳақида ўз таасуротларини муҳокама қилишни ҳам назарда тутади. Китобхонлик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришда оилавий китобхонликни ҳам қўллаб қувватлаш метод таркибий қисмидир. Дактил мутолла усулида китобхонлар клублари ичida турли адабий кечаларини ташкил этиш мумкин.

**“Ўқии орқали кутубхона терапияси - Библиотерапия”** дактил мутолаа методининг шаклларидан биридир. “Библиотерапия” – умумий тиббиёт ва психиатрияда шахсий муаммоларни хал этиш учун йўналтирилган ўқиш орқали терапевтик восита сифатида маҳсус танланган ўқув материалларидан фойдаланишга айтилади. Бугунги кунда кўплаб болалар кутубхоналарида библиотерапиянинг хар хил турларидан фойдаланган холда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бунда халқимиздаги машҳур адиблар, ёзувчилар иштирокида дактил мутолла кечаларини ташкил этилиши, энг замонавий сўнгги нашр этилган китоблар тақдимоти билан танишириб бориш яхши самара беради.

Шундай қилиб, дактил мутолаа усули матн билан ўзаро муносабатда бўлиш, ўқилган ва ўқилаётган асар ҳақида ўз шахсий фикрларини баён этиш қобилиятини ривожлантиради. Шунингдек маҳсус мактаб ўқувчиларига матн мазмунини кенгроқ тушунишга, таасуротларини бойитишга ёрдам берадиган муолажаларни ўз ичига олади.

**Дактил мутолаа методини амалиётда қўллашда унинг қуйидаги босқичларини келтириб ўтамиз.**

➤ **Биринчи босқич:** мавзу бўйича ойдинлик киритиш. Ушбу босқичдаги асосий қадамлардан бири тадбир учун адабиётларни танлаш ва кўриб чиқиши. Бундан ташқари, зарур тахминий режани ишлаб чиқиши ва дизайн устида ўйлаш мутахассис амалга ошириши мумкин бўлган воситалар умумий фикр, зарур ғоялар, тасвирларни етказиши. Ўқув залдаги барча элементлар: мўлжалланган таассурот қолдириш учун ва ўқувчини китобхонликка аниқ йўналтириш мақсадига эга бўлиши керак.

- **Кейинги босқич** мутолаа қилинувчи китобни танлаш. Ушбу китоб турли иллюстрацияларга бой бўлиши мақсадга мувофиқдир.
- **Сўнгги босқич** дактил мутолаага аталган учрашувдан сўнг натижаларини таҳлил қилиш реклама акциялари ва келажакдаги яна шундай тадбирларни режалаштириш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мамаражабова З.Н. Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигини ташкил этиш: муаммо ва ечимлар. Замонавий таълим/ Современное образование 2017.4
2. Никитина М.И. Уроки чтения в школе для слабослышащих детей. / Пособие для учителя. 2-е изд. перераб. - М.: «Просвещение», 1991. –С. 142.
3. 2 Красильникова О.А. Литературное развитие слабослышащих школьников в процессе начального обучения. / Автореферат ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2010. -С. 37.
4. Thomas Arnold A method of teaching the deaf and dumb speech, lip-reading, and language. – London, 2010. -Р. 101.
5. Никитина М.И. Восприятие литературных произведений учащимися VII-XI классов 2-го отделения школы для слабослышащих детей. // «Дефектология», 1980, №3. -С. 40-45.
6. Нурматова М., Рихсиева Г. Ўзбек тили. - Т.: ТДШИ нашриёти, 2013. -6-б.